

Аутсорсинг шартлари асосида хизматларни кўрсатиш бўйича ШАРТНОМА № 16/06 /22

Тошкент шаҳар

..16..06 2022 йил

Аллагай Бабаев номидан Низом асосида фаолият юритувчи *Тожибеов Ш.С* бир томондан ва МЧЖ "FIX EVERYTHING" номидан Устав (шунинчанома) асосида фаолият юритувчи директор *Ахмедова А.Т.* иккинчи томондан (кейинги ўринларда Аутсорсер деб аталади), ушбу Шартномани қуйидагилар тугрисида туздилар.

1. Шартнома предмети

1.1. Аутсорсер Буюртмачининг буюртмаси бўйича мазкур Шартноманинг 1.2-бандида кўрсатиб ўтилган хизматларни кўрсатиш. Буюртмачи эса ушбу хизматлар учун пул тулаш мажбуриятини олади.

1.2. Аутсорсер мазкур шартноманинг 1.3-бандида кўрсатилган муддатдан бошлаб, у тугагунга қадар ҳар куни Буюртмачини Хамда Ўзбекистон Республикасининг (аутсорсерга ўтказилган қизил қўғиш) норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари билан белгиланган санитария-гигиена нормалари ва қондаларига риоя этган ҳолда, Буюртмачи билан келишилган буюртмаларни бажариш жадвалига мувофиқ таъминлаш мажбуриятини, кейинги ўринларда Хизматлар деб аталади, ўз зиммасига олади.

1.3. Хизмат кўрсатиш муддати:

2022 йил «16» 06 дан,

2022 йил «31» 12 гача.

1.4. Томонлар бажариладиган ишларнинг йиғма далолатномаси ва Аутсорсер томонидан амалда кўрсатилган Хизматлар учун белгиланган тартибда расмийлаштирилган хисоб-фактура имзоланиб Буюртмачи Аутсорсернинг мазкур Шартномада кўрсатилган банк ҳисоб-рақамига пул маблағлари ўтказгандан сўнг Хизматлар кўрсатилган деб ҳисобланади.

2. Томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

2.1. Аутсорсер қуйидаги ҳуқуқларга эга:

2.2. Ижарага олинган мол-мулкдан фойдаланиш: Ижарага олинган бино ва иншоотларнинг ички ва ташқи қисмида техник жихатдан жихозлаш ва таъмирлаш ишларини амалга ошириш;

2.3. Хизматлар таннархининг ўзгариши муносабати билан шартномага ўзгартириш киритиш таклифи бўлиши мумкин;

2.4. Кўрсатилган хизматлар учун ўз вақтида туловлар амалга оширилишини талаб қилиш;

2.5. Кўрсатилган хизматлар натижасида фонда олиш;

2.6. Буюртмачидан шартнома шартларининг бажарилишини талаб қилиш: Қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқлар.

2.7. Аутсорсер қуйидагиларга мажбур:

2.7.1. Ижарага олинган бино ва иншоотлар, жихозлардан мақсадли ҳамда оқилона фойдаланиш, сакдан, носоз ҳолга келганда уларни ўз ҳисобидан таъмирлаш, шунингдек, коммунал харажатларини қоплаши;

2.7.2. Аутсорсинг хизмати кўрсатишда техника, ёнғин, меҳнат муҳофазаси ҳамда санитария қондалари, нормалари ва гигиена нормативларига қатъий риоя этиши;

2.7.3. Товар (ишлар, хизматлар)нинг сифатли ишлаб чиқарилишини ва буюртмачига етказишнинг таъминлигини;

2.7.4. Махфийлик тартибига қатъий риоя қилиши;

2.7.5. Шартномани бекор қилиш ҳақида буюртмачини икки ой олди ёзма равишда оголантириши, ушбу муддат тугагунга қадар эса буюртмачининг тегишли хизматларини

узлуксиз ташкил этишни таъминлаши;

2.7.6. Хизматларни сифатли, мазкур Шартноманинг 1.3-баидада курсатилган муддатда ва гунаҳ ҳақида курсатиши;

2.7.7. Хизматлар курсатилган муддатда Аутсорсер мазкур шартнома шартларига амал қилмасдан, хизматлар сифатининг ёмонлашувиغا олиб келган барча камчиликларни Буюртмачининг талаби буйича бир кун давомида бепул тугрилаши;

2.7.8. Хизматларнинг сифатсизлиги, хизматларни бажариш учун вақтинча фойдаланишга бериладиган ишлаб чиқариш (хизмат курсатиш) хоналари ҳолати, шунингдек, тегишли инвентарларнинг санитария қондаларига жавоб бермаслиги аниқланганда, Аутсорсер зудлик билан Буюртмачининг аниқланган камчиликларни бартараф этиш буйича қонуний талабини бажариши;

2.7.9. Малакали, тажрибали, куйилган вазифани (хизматни, ишни) амалга ошириш ҳуқуқини берувчи тегишли ҳужжатлари мавжуд булган, шунингдек, белгиланган тартибда ва муддатда тиббий текширувдан (қуриқдан) утган ходимларга (талаб этилган ҳолларда) хизматларни бажариш жараёнига руҳсат этиши;

2.7.10. Хизмат курсатиш бўлича ишларни шахсан бажариши, мазкур Шартнома шартларини бажаришни учинчи шахсга топширмаслиги;

2.7.11. Мазкур шартнома шартларини бажариш доирасида Буюртмачи томонидан вақтинча фойдаланишга топширилган ускуналар, жиҳозлар, идришлар, асбоблар, мебеллар, инвентарлар ва бошқалар моддий воситаларни соз ҳолда сақлаши, таъмирлаши, шунингдек, биноларни таъмирлаши;

2.7.12. Томонлар низолайдилан тегишли қабул қилиш-топшириш далолатномасини расмийлаштирган ҳолда, Буюртмачидан биноларни (хоналарни), ускуналарни, жиҳозларни, асбобларни, мебелларни, инвентарлар ва бошқалар моддий воситаларни қабул қилиб олиши;

2.7.13. Мазкур шартномани бекор қилиш ҳақида Буюртмачини икки ой олдин ёзма равишда огоҳлантириши, ушбу муддат тугагунига қадар эса Буюртмачига хизматларни узлуксиз курсатишинини таъминлаши;

2.7.14. Мазкур шартномага асосан Хизматларни курсатиш ишларига жалб этилган ходимларни уқитишни (малакасини оширишни) амалга ошириши (талаб этилган ҳолларда);

2.8. Буюртмачи куйидаги ҳуқуқларга эга:

2.8.1. Товарлар (ишлар, хизматлар) сифатли ишлаб чиқарилиши (бажарилиши, курсатилиши)ни тақаб қилиши;

2.8.2. Аутсорсернинг фаолиятига аралашмаган ҳолда, шартнома шартларининг бажарилишини назорат қилиши;

2.8.3. Шартномани бекор қилиш тугрисида 10 кун олдин Аутсорсерни ёзма равишда огоҳлантириш, бунда курсатилган хизматларнинг қийматини белгиланган тартибда тўлаши;

2.8.4. Қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқлар.

2.9. Буюртмачи куйидагиларга мажбур:

2.9.1. Бажарилган ишларнинг йигма далолатномаси ва расмийлаштирилган ҳисоб-фактура асосида курсатилган хизматлар учун амалдаги нархлар буйича бир ойда камида бир марта хизматлар ҳақини тўлаши;

2.9.2. Аутсорсерни мазкур Шартнома шартларини бажариш доирасида биноларни (хоналарни), ускуналарни, жиҳозларни, асбобларни, мебелларни, инвентарлар ва бошқа моддий воситаларни вақтинча фойдаланишга бериши;

2.9.3. Қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятлар.

3. Хизматлар нархи ва узаро ҳисоб қилгоблар тартиби

3.1. Мазкур шартноманинг доирасида мувофиқ хизматлар нархи 605 422 000 (Олти юз беш миллион тўрт юз йпырма икки минг) сўмни ташкил этади.

3.2. Аутсорсер томонидан кўрсатилган хизматлар учун узаро ҳисоб- китоблар бажарилган ишларнинг йўлчи далолатномаси Мазкур Шартномада бажаришда юзага келиши мумкин бўлган низолар ва келишмовчиликлар имкон қадар Томонлар уртасида музокара ва расмийлаштирилган ҳисоб-фактура асосида кўрсатилган хизматларнинг амалдаги қиймати бўйича бир ойда камида бир марта амалга оширилади.

3.3. Кўрсатиладиган хизматларнинг амалдаги сони ҳақидаги маълумотлар ва хизматларнинг амалдаги нархи асосида Буюртмачи кундалик буюртмага мувофиқ Аутсорсер билан биргаликда ҳар уш кунда, туланиши лозим бўлган суммаси кўрсатилади. Аутсорсер ва Буюртмачи томонидан имзоланадиган бажарилган ишларнинг йўлчи далолатномаси тузилади ва ҳисоб-фактура расмийлаштирилади.

3.4. Буюртмачи томонидан амалда кўрсатилган хизматлар нархи белгиланган тартибда расмийлаштирилган бажарилган ишлар далолатномаси ва ҳисоб-фактура олинган вақтдан бошлаб, 10 банк куни давомида Шартномада белгиланган суммадан ортиқ бўлмаган миқдорда тузилади.

3.5. Мазкур Шартномадаги йўлчи далолатномасида кўрсатилган, шартноманинг прогност суммасини ҳисоблаш учун хизматларнинг нархлари томонлардан бирининг ташаббуси билан қайта куриб чиқилади.

4. Томонларнинг мажбуриятлари

4.1. Аутсорсер шартнома мажбуриятларини ўз вақтида бажармаган ҳолларда, Буюртмачига муддатли утқазиб қўборилган ҳар бир кун учун мажбуриятнинг бажарилмаган қисмининг 0,5 фоиз миқдориди пеня тулайди, бунда пенянинг умумий суммаси кўрсатилмаган хизматлар ойлик нархининг 50 фоизидан ошмаслиги керак.

4.2. Пеня (жарима) тулаш Томонларнинг зиммасидаги мажбуриятларини бажарилган ёки бўлишларни бартараф қилишдан озод этмайди.

4.2. Мазкур Шартнома шартларининг бажарилмаслиги ёки тегишли даражада бажарилмаслиги учун Томонлар Ўзбекистан Республикасининг Фуқаролик қоллекси қалабларида, «Хужалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси туғрисида»ги Ўзбекистан Республикаси қонуни ҳамда Ўзбекистан Республикасининг бошқа норматив- ҳуқуқий ҳужжатларида назарда тутилган жавобгар булади.

4.3. Буюртмачига ҳар чоракда бир мартаба кўрсатиладиган хизматларнинг сифати, ижарага берилган бино ва иншоотларнинг ҳолатини мониторинг утқазини (аутсорсернинг молиявий фаолиятига аралашмаган ҳолда) шартлар яратиш.

4.4. Томонларнинг Мазкур Шартномада назарда тутилмаган жавобгарлик чоралари Ўзбекистан Республикаси ҳудудида амалда бўлган фуқаролик қонунчилиги нормаларига мувофиқ қўлланилади.

5. Музокарали вазиятларни ҳал этиш тартиби

5.1. Низолар ва келишмовчиликларни Томонлар уртасида музокара утқазини йўли билан ҳал этиб бўлмайдиган ҳолатларда, Ўзбекистан Республикаси қонунчилигида назарда тутилган келишмовчиликларни суддан олдин бартараф қилиш тартиб-таомили амалга оширилгандан сўнг узар Ўзбекистан Республикаси қонунчилигида белгиланган тартибда судга қуриб чиқини учун берилди.

6. Форс-мажор ҳолатлар

6.1. Томонлар мажбуриятлар қисман ёки тулик бажарилмаганлиги учун, агар бундай ҳолатлар енгиб бўлмас қуч, яъни табиий офатлар, табиий ва техноген тусдаги фавқулодда ҳолатлар ва алоҳида давр экибати ҳисобланса ва давлатнинг тегишли органлари томонидан тасдиқланса, жавобгарликдан озод қилинади. Бунда мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати мутаносиб равишда ушбу ҳодисалар руй берган муддатга сурилади.

7. Коррупцияга қарши шартлашув

7.1. Ушбу шартноманинг ҳар бир томони узига нисбатан қўлланиладиган барча, шу жумладан Ўзбекистон Республикаси амалдаги қонунчилик ва норматив ҳужжатларидаги Коррупцияга қарши тегишли шартлар ва талаблани тушувиши ҳақида бир-бирини ишонтиради ва уларга амал қилишнинг қарорлигини кафолатлайди.

7.2. Истеъмолчи ушбу шартнома амалда бўлган бутун давр мобайнида у (шунингдек унинг мансабдор шахслари, директорлари, ходимлари, агентлари ва бошқа вакиллари) Тамилотчи корхонанинг манфаатларида унинг агенти еки вакили сифатида ҳаракат қилиб, Тамилотчи корхонанинг ҳамда Ўзбекистон Республикаси амалдаги қонунчилик ва норматив ҳужжатларининг Коррупцияга қарши тегишли шартлари ва талабларига қатъий риоя этиши мажбуриятини олади.

8. Эқувловчи қондалар

8.1. Ушбу Шартномага ҳар қандай ўзгариш ва қўшимчалар фақат улар ёзма шаклда расмийлаштирилиб, Томоиларнинг ваколатли вакиллари томонидан имзолангандан сўнг ҳақиқий ҳисобланади. Мазкур Шартноманинг барча иловалари унинг ажралмас қисминини ташкил этади.

8.2. Томоиларнинг ҳар бири мазкур Шартнома бўйича ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларини бошқа Томоннинг ёзма вақалдан розилигисиз бирор-бир учинчи томонга бериб юбориши мумкин эмас.

8.3. Ушбу шартнома икки нусхада тузилган. Иккала нусха айнан бир хил бўлиб, бир хил юридик кучга эга. Томоиларнинг ҳар бирида мазкур Шартноманинг бир нусхаси бўлади.

9. Шартноманинг амал қилиш муддати

9.1. Ушбу Шартнома имзоланган пайтдан қўлга киради ва бир календарь йили давомида ёки муддатидан олдин бекор қилингунига қадар амал қилади.

10. Томоиларнинг манзили ва банк реквизитлари

“Аутсорсер”

“Буюртмачи”

МЧЖ «FIX EVERYTHING»
 Тошкент шаҳар, Олтин кўча кучаси, 128/2
 Х/р 20208000005262989001
 в АТИБ «Инотек-банк» Тошкент вилоят филиали.
 МФО 00408
 ИНН 30762540
 ОКЭД 56290

Рахбар 



МЧЖ «АТ»
Уч. Машиноб. 1/47
Уч 1000 21860 2626 27073401054001
Уч 203797701, ОКЭД 86100
Маънаф. Ман. Фил.
р/с 23401000300100 001010
р/к 9485 и Машиноб. 1/47
МРО 00014, Уч 201122919

Рахимова Ш.С.
Ушматов С.Р.

1-Илова

№	Хизмат (маҳсулот) номи	Бирлиги	Жами Сумма
1	Беморларга иссиқ овқат етказиб бериши.	23 051	605 422 000
			605 422 000

Хизматлар нархи: 605 422 000 (Олтин юз беш миллион турт юз йигирма икки минг) сумми ташкил этади.



“ТАСДИҚЛАЙМАН”

Шахар болалар фтизиатрия сихатгохи

Ш.С.Рахимова

2022 йил “_16_” июнь

Шахар болалар фтизиатрия сихатгохи

танлов комиссияси йиғилишининг

1 - сон

БАЁННОМАСИ

2022 йил “ 16 ” июнь

Тошкент шаҳар.

ҚАТНАШДИЛАР:

Ш.С.Рахимова	Бош шифокор - танлов комиссия раиси
Р.Р.Абидова	Ўқув бўлими мудир - комиссия котиби
Д.Р.Каримова	Бўлим бошлиғи - танлов комиссия аъзоси
М.А.Абасова	Врач фтизиатр - танлов комиссия аъзоси
Ш.Р.Туляганова	Бош хамшира - танлов комиссия аъзоси
К.А.Мирсаидова	Катта хамшира - танлов комиссия аъзоси

КУН ТАРТИБИ:

Шахар болалар фтизиатрия сихатгохида даволанаётган болаларни иссиқ овқат билан таъминлаш учун муҳокамага жойлаштириш.

Кун тартибига қўйилган масала юзасидан комиссия аъзоси – Бўлим бошлиғи Д.Р.Каримова сўзга чиқиб, Шахар болалар фтизиатрия сихатгохида даволанаётган болаларни иссиқ овқат билан таъминлаш учун шартнома тузиш кераклигини таъкидлаб ўтиб, Шахар болалар фтизиатрия сихатгохида xarid.uzex.uz сайтида 606 698 400 сумга 96996-сонли лот рақами берилганлигини маълум қилди. Такдим этилган учта корхона таклифлари билан комиссия аъзолари атрофлича таништириб чиқилди.

Бўлим бошлиғи - танлов комиссияси аъзоси Д.Р.Каримова. ЎРҚ-684 - сонли “Давлат харидлари тўғрисида”ги қонуннинг талабларига қатъй риоя қилиш бўйича ҳамда бюджет ва бюджетдан ташқари маблағларни мақсадли тарзда фойдаланишлари лозимлиги тўғрисида тушунтириш бериб ўтди.

Харид комиссияси аъзоларида мазкур 96996 - сонли лот иштирокчилари билан аффилиланганлик хусусиятига эга алоқалар мавжуд эмас.

Ўзбекистон Республикасининг “Давлат харидлари тўғрисида”ги Қонунининг (ЎРҚ-684-сон, 22.04.2021й.) 23-моддасига кўра, иштирокчи ва унинг аффилиланган шахси мазкур 96996-сонли лотда иштирок этмаяпти.

Муҳокамага қўйилган масала юзасидан 2 (икки) иш куни давомида ҳеч қандай таклифлар келиб тушмади ва норозиликлар билдирилмади.

Маълумотлар stat.uz саҳифаси орқали текширилди.

Таклиф этилаётган нархлар, баллар қуйидагича белгиланган:

№	Иштирокчи номи	Таклиф этилаётган нарх	Балл
1	ООО РОУТАХТ G`OYA TAOM	540 042 400.00	80
2	STROY AND FOOD SERVIZ MCHJ	475 378 400.00	29.6
3	ООО FIX EVERYTHING	605 422 000.00	89.8402

Комиссия аъзоларининг хулосасига кўра **ООО FIX EVERYTHING** корхонаси таклифи энг мақбули деб топилди.

Комиссия қарор қилади:

1. Шахар болалар фтизиатрия сихатгохида даволанаётган болаларни иссиқ овқат билан таъминлаш учун **ООО FIX EVERYTHING** корхонаси таклифи бир овоздан мақуллансин.
2. **ООО FIX EVERYTHING** танлов ғолиби деб топилсин ва ушбу корхона билан шартнома имзолаш мақсадга мувофиқ деб белгилансин.

Ушбу баённома ижроси, Бўлим мудирини Д.Р.Каримова зиммасига юклатилсин.

Танлов комиссияси аъзолари:

Ш.С.Рахимова.

Бош шифокор

Р.Р.Абидова.

Ўқув бўлими мудирини

Д.Р.Каримова.

Бўлим бошлиғини

М.А.Абасова .

Врач фтизиатр

Ш.Р.Туляганова.

Бош хамшира

К.А.Мирсаидова.

Катта хамшира